## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Украинага ташрифи тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучманинг таклифига биноан 1999 йил 7-8 октябрь кунлари Украинага расмий ташриф буюради.**

## Дўстлик ришталари

Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳридаги Абай номли истироҳат боғида ўзбек тили, маданияти, урф-одатлари ва анъаналари куни бўлиб ўтди. Унга Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари А. Раҳимбердиев бошчилик қилди. Ёзувчилар, санъаткорлар, шоирлар, журналистлар вакиллари қатнашдилар. Байрамнинг мақсади Қозоғистон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашдир. Қолаверса, Чимкентда кўплаб ўзбек оилалари ҳам истиқомат қилади. Улар қозоқ ва бошқа миллат вакиллари билан аҳил-иноқ турмуш кечирмоқдалар. Икки қўшни давлат вакилларининг учрашуви барчада унутилмас таассурот қолдирди.

*Ширин Абдукарим қизи*

## Эртага Тошкентда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги III Қурултойи бўлиб ўтади.

Унинг ишида партиямизнинг барча минтақавий ташкилотларидан сайланган делегатлар иштирок этадилар.

Қурултой ишига муваффақиятлар тилаймиз!


*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

**1999 йил 7 октябрь, пайшанба • № 117 (25.512).**

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган


## Ташриф ниҳоясига етди

**6 октябрь. Сеул. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).** Бугун эрталаб Президент Ислом Каримов Корея Республикаси молия ва иқтисодиёт вазири Канг Бонг Кюн билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистонга киритилаётган сармоя ҳажмини ошириш, юртимиз билан ҳамкорлик қилаётган фирма ва компанияларни янада кенгроқ қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Сеулдаги Миллий қабристонда оройиш топган ватан ҳимоячилари ёдгорлиги пойига гул қўйди.

Корея Республикаси Миллий Йиғини раиси Пак Жунг Кюн билан бўлган учрашувда икки мамлакат парламентлари ўртасида алоқаларни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Президент Ислом Каримов Миллий Йиғин фаолияти, қонунчилик соҳасидаги ўзгаришлар билан танишди, парламент биносини кўздан кечирди.

Тушда эса «Лотте» меҳмонхонасида Жанубий Кореянинг тўртта йирик ташкилоти томонидан Президент Ислом Каримов шарафига қабул маросими уюштирилди. Мазкур ташкилотлар — Ишлаб чиқарувчилар федерацияси, Ташқи савдо уюшмаси, Савдо палатаси ҳамда Кичик ва ўрта бизнес федерацияси бўлиб, уларнинг барчасида Ўзбекистон билан ҳамкорликка интилиш кучли. Буни, тадбирни очар экан, Ишлаб чиқарувчилар федерацияси раҳбари, «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жунг яна бир карра тасдиқлади. Ўзбекистоннинг табиий заҳиралари ва ишчи кучи, корейс технологияси ва сармояси ҳамкорлик ривожи учун муҳим омил бўлади. Ислом Каримовнинг мазкур ташрифи фақатгина икки давлат билангина эмас, балки икки минтақа — Шарқий Осиё ва МДҲ ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига ҳам катта туртки бўлади, деди у.

Шундан сўнг Ислом Каримов сўз олиб, ўзбекистонлик ишбилармонлар корейс халқини яхши танишини, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида азалдан мустаҳкамланган дўстлик алоқалари қарор топганини таъкидлади. Давлатлараро муносабатлар иқтисодий алоқалар пойдевори устига қурилади. Иқтисодий ҳамкорлик бошқа соҳалардаги муносабатларни ҳам мустаҳкамлайди. Жанубий Корея эса Ўзбекистоннинг етакчи савдо-иқтисодий шеригидир, деди Ислом Каримов.

Куннинг иккинчи ярмида мамлакатимиз раҳбари Сеул политехника коллежига борди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

*(ЎзА)*

## Ислом Каримов китоби ҳинд тилида

Президент Ислом Каримовнинг 1997 йилда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби хорижий мамлакатлар сиёсий, илмий ва ишбилармон доираларида катта қизиқиш уйғотишда давом этмоқда.

Мазкур китоб араб, инглиз, иврит, корейс, немис, турк ва француз тилларига таржима қилиниб, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида нашр этилган эди.

Яқинда Ҳиндистоннинг йирик ноширлик компанияларидан бири «UBC Publisher Distributors Ltd» Президент Ислом Каримов китобини ҳинд тилида босмадан чиқарди. Нашрга Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Жасвант Сингх сўзбоши ёзган.

Сўзбоши муаллифининг фикрича, Ўрта Осиё ва Жанубий Осиё тарихий ва географик жиҳатдан бир-бири билан узвий боғлиқ. Китобда ифода этилган хавфсизлик ва барқарорлик муаммолари бўйича қарашлар ҳам ўзбекистонлик, ҳам ҳиндистонлик сиёсатшунослар, социологлар ва стратегия тадқиқотчилари учун фавқулодда муҳимдир, деб таъкидлайди Ҳиндистон ташқи сиёсат маҳкамаси бошлиғи.

90-йилларнинг бошида Ўрта Осиё давлатларининг мустақилликка эришиши дунёнинг геосиёсий қиёфасини ўзгартирди. Мазкур давлатлар ўзларининг миллий бойликлари, маданиятини сақлабгина қолмасдан, мамлакатни демократия ва иқтисодиётни ривожлантириш йўлидан янада олға силжиши учун замин яратдилар. Вазирнинг таъкидлашича, мустақил давлатларнинг иқтисодни қайта тиклаш бўйича истиқболли дастурлари узоқни кўзлаган лойиҳаларни амалга ошириш, чет эл сармояларини жалб этишга йўналтирилган.

Янги мустақил давлатларнинг порлоқ келажагига Жасвант Сингхнинг ишончи комил. Ўрта Осиёнинг марказида жойлашган Ўзбекистон икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик борасида Ҳиндистоннинг стратегик шериги ва ақидапарастликка қарши курашда синалган дўстидир. «Бу жиҳатдан ҳам китобда кўтарилган муаммолар биз учун ўта долзарб ҳисобланади. Ўйлайманки, мазкур китоб жаҳонда тинчлик, осойишталикнинг қарор топиши, ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик ришталарининг мустаҳкамланиши учун хизмат қилади», деб якунлайди китобга ёзган сўзбошини Ҳиндистон ташқи ишлар вазири.

*«Жаҳон» АА*

*Ўз юртига посбон бўлур тўй бола*

*Шавкат АКРАМОВ олган сурат*

## Қирғизистон жанубидаги вазият хусусида

Қирғизистоннинг «Қабар» ахборот агентлиги хабарларига кўра, Боткен, Қадамжой ва Чўн Олой туманларида барқарор вазият сақланиб турибди ва қўшинларнинг бирлашган гуруҳи томонидан назорат қилинмоқда. Қирғизистон ҳукумат қўшинлари сўнгги вақтда республика ҳудудига бир неча кичик гуруҳларга бўлиниб суқилиб кириш тактикасини танлаган террорчиларни таъқиб қилмоқда. Ҳарбий бўлинмалар Боткен — Ҳожи Ачкон, Булоқбоши, Донон, Роутон, Ҳайдаркон — Гузбел, Қумбел, Карамиқ — Бўкбоши, Узун Мурун ва бошқа йўналишлардаги довонларни тўсиб қўйди.

Жангарилар Ҳожи Ачкон тоғ дарасида яшириниб турибди. Бундан ташқари маҳаллий аҳоли Сирт, Сой ва Газ қишлоқлари атрофида 5-10 қуролли жангариларни бир неча бор кўрган. Зардоли қишлоғи ва унинг атрофи қадам-бақадам текшириб чиқилмоқда. Жанговар операциялар чоғида жангарларнинг ўз ихтиёри билан асирга тушиш ҳоллари кўпайди. Шундай операцияларнинг бирида олти нафар жангари ўз ихтиёри билан қуролларини топширди.

Бишкекда Президент Аскар Акаев раислигида Хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда республика жанубида хавфсизликни мустаҳкамлаш ва халқаро терроризмга қарши курашни кучайтиришга доир шошилинч чора-тадбирлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Хавфсизлик кенгаши мажлиси якунлари бўйича жанговар ҳаракатлар зонасидаги вазиятга оид бир неча қарор қабул қилинди. Бу қарорлар давлат хавфсизлигининг кўпгина мураккаб масалаларини тубдан ҳал этиши лозим.

Қирғизистон Хавфсизлик кенгаши котиби Бўлот Жонузоқовнинг гапларига қараганда, республика жанубидаги жангарилар Тожикистоннинг Қирғизистонга туташ туманларидан ўзлари учун зарур бўлган ҳарбий куч, ўқ-дори, озиқ-овқатни олиб турибди. Б. Жонузоқов мамлакат жанубидаги вазиятни таҳлил этишга асосланиб, террорчиларни тайёрлайдиган халқаро базалар жойлашган Афғонистон ва Покистондан келаётган кучлар жангарилар сафларини тўлдираётганини айтди. Қирғизистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котиби жангарларнинг Марказий Осиёдаги бу минтақага қизиқаётганининг сабаби шимолий йўналишда наркотик моддалар ташиладиган асосий йўлни ҳимоя қилиш эканини таъкидлади. «Шимолий йўналишда наркотик моддалар ғайриқонуний савдосининг 70 фоизи Жума Намонгоний қўлидадир", деди Б. Жонузоқов. Хавфсизлик кенгаши котиби қўлидаги маълумотларга қараганда, бу йил Афғонистонда" қора доридан беш минг тоннага яқин ҳосил йиғиб олинган. Террорчилар тузилмаларининг республика жанубидаги ҳарбий режаларининг барбод бўлиши наркотик моддалар ва терроризмни четга экспорт қилишни хавф остида қолдиради. Унинг фикрича, жангарилар бу йил қувиб чиқарилса, улар келгуси йилда албатта қайтиб келишади. Шу сабабли, деди Б. Жонузоқов, вақт бу масалаларни тубдан ҳал этишни, хусусан, Тожикистон билан қўшни туманларда чегара инфратузилмаларини барпо этишни талаб қилмоқда.

*Ғафур Жамолов*
*(ЎзА)*

## Ўзбекистон Халқ демократик партияси III Қурултойи делегатлари диққатига!

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси навбатдаги III Қурултойи делегатлари партия Марказий Кенгаши қароргоҳида, 1999 йил 7 октябрь соат 14.00 дан 18.00 гача ва 8 октябрь соат 8.00 дан 9.30 гача, рўйхатга олинадилар.**

*Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши*

*ХДП хабари*

## Марказий Кенгашда учрашув

1999 йил 4 октябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Марказий Осиёдаги алоқалар бюроси вакили Сабина Фрейзер хоним қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов партиянинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, бўлажак сайловларга тараддуди хусусида сўзлаб берди.

С. Фрейзер хоним Ўзбекистонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда ҳамда партиянинг фаолиятида хотин-қизларнинг тутган ўрни ва бўлажак сайловларда уларнинг иштироки қай даражада бўлишлиги билан боғлиқ масалаларга қизиқди.

Мулоқот чоғида ҳар икки томоннинг ўзаро ҳамкорликдан манфаатдор эканликлари таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик иштирок этди.

## Манфаатли ҳамкорлик

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси — муфтий Абдурашид қори Баҳромов қабул қилинди.

Унда Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов партия ташкилотларининг сайловолди фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

Самимий мулоқот Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ҳамда шаҳар Кенгашларига бўлажак сайловларда ҳамкорлик қилиш масалаларига бағишланди.

Ушбу, амалдаги қонунчиликка асосланган, ҳамкорликнинг мамлакатимиз фуқаролари манфаатларига мос тушишининг шубҳасиз эканлиги, таъкидлаб ўтилди.

*Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати*

*Аччиқ, аммо очиқ гаплар*

## Тирноқдан кир қидириш

Республикамизда ўрта ва кичик ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётгани ички бозоримизни маҳсулотлар билан тўлдиряпти, рақобат ва рақобатбардошликни рағбатлантиряпти. Тадбиркорлар четдан келтираётган маҳсулотларнинг сифатига кафолат бўлмаётган бир пайтда, ўзимизда экология жиҳатидан тоза, химикатлар аралашмаган, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилса аҳоли саломатлигини, руҳий қувватини оширишда қўл келиши табиий.

Яхши ниятлар билан Тўймурод ака ҳам Денов туманида «Агротех» хусусий компаниясида маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини, колбаса ва нон ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қарор қилди. Тўғри-да, муқобил тарзда тумандаги машина ва тракторларни жойида таъмирлаш билан бирга қарамоғида колбаса, нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳар томонлама манфаатли. Компания иқтисодий жиҳатдан ўз-ўзини таъминлай олишига имкон, хориждан керакли эҳтиёт қисмларини сотиб олиб келишга шароит туғилади. Очиқ турдаги «Хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди» билан машмашалар ҳам шундан бошланди. Хусусий тадбиркор ва «Бизнес фонд» ўртасида 1996 йил 3 сентябрда шартнома тузилди. Шартномада нон маҳсулотлари ва колбаса ишлаб чиқариш цехини қуриш, керакли ускуналар сотиб олиш учун фонд 8 миллион 447 минг 800 сўм кредит берадиган бўлди ва у икки босқичда амалга оширилиши керак эди. Биринчи босқич қурилиш ишларини бажариш ва жиҳозлар сотиб олишга ажратилган 4 миллион 858 минг 480 сўм маблағ 1996 йил 9 сентябрь куни «Агротех» ҳисоб рақамига келиб тушди. Бундан руҳланган тадбиркор ишни бошлаб юборди. 1997 йил 5 мартда «Бизнес фонд» ташаббуси билан ўтказилган текширув акт мониторингида олинган маблағ мақсадли ишлатилгани тасдиқланган. Шартномага кўра, текширувдан кейин, агар маблағнинг мақсадли ишлатилгани тасдиқланса, 5 кун ичида ўтказиб берилиши айтилган. Лекин «Бизнес фонд» иккинчи босқичга мўлжалланган 2 миллион 62 минг 320 сўмни, яъни кичик цехларни ишга туширишга учун хомашё сотиб олиш, ишчи кучи билан таъминлашга сарфланадиган қисмини ўтказмади.

Натижада цехлар ишга туширилмади. Давлат бюджетига 16 миллион сўм ўтказилмади. Ҳамда икки йилда аҳолига етказиладиган 700 тонна нон ва колбаса маҳсулотлари, ишлаб чиқарилмади. 18 ишчи ўрни яратилмади. Бу масалани ижобий ҳал қилиш ўрнига қоғозбозлик кучайди.

Яхши ният билан бошланган иш туя гўшти ейишини хаёлига ҳам келтирмаган тадбиркорлар «Бизнес фонд»нинг кредит фоизларини тўламаса, хўжалик судига беришларини рўкач қилишлари оқибатида боши берк кўчага кириб қолишди. Хўш, хусусий компания қайси пулдан тўлаши керак фоизларни - цехлар ишга тушмаган, кўзланган фойда олинмаган бўлса? Шундан сўнг Сурхондарё вилояти назоратташтиш бошқармаси 1997 йил 19 март куни текширув ўтказди ва биринчи босқич маблағлари мақсадли ишлатилган, деган хулосага келди. Ахир цех биноси қурилган, ускуналар сотиб олинган бўлса, ўзлаштириладиган нарса бўлмаса қанча текширган билан хулоса битта бўлаверади-да.

1997 йил июль ойида вилоят ҳокимлиги, «Бизнес фонд» ва «Мадад» суғурта агентлиги ҳамкорлигида вилоятдаги тадбиркорлар билан учрашув ўтказилди. Тўймурод Худойназаровнинг эътирозларини «Бизнес фонд» раиси тўғри деб топди ва албатта ҳал қилишини айтди. Айтилган гап айтилди-ю, аммо иш бажарилмади. Ваҳоланки, 1998 йилда фойдаланилмаган иморат ва ишлатилмаган жиҳозлар учун тадбиркор ўз айланма маблағидан, ишчи ходимлар маошидан чегириб 471 минг сўмни «Бизнес фонд»га фоиз сифатида тўлади. Шу билан текширувлар тўхтади дейсизми? Асло йўқ! «Бизнес фонд»нинг сўрови билан Денов туманлараро прокуратураси 1998 йил 21 октябрда яна тафтиш ўтказди. Натижа эса ўша-ўша: кредит маблағи мақсадли ишлатилган! Тадбиркор ҳам инсон, унинг ҳам юраги бор, асаббузарликлар таъсир қилиши табиий. Шу тариқа шартномадаги иккинчи босқич маблағлари ўтказилмаганлиги туфайли агар «Бизнес фонд» 35 фоиз тўловни 15 фоизга туширса қолган маблағдан воз кечишини айтиб, хат жўнатди. «Мадад» суғурта агентлиги ҳам хайрихоҳлик билдирди.

Шу тариқа иш Тошкент шаҳар хўжалик судигача бориб етди. Суд барча кечмишу кечирмишларни ўрганиб, «Агротех» машина-трактор парки компаниясини ҳақ деб топди ва «Бизнес фонд» ҳисобидан 20046802,59 сўм ундириб берилиши тўғрисида ажрим чиқарди. Шу билан иш битди деб ўйларсиз? Йўқ, ундай бўлмади. «Бизнес фонд» Тошкент шаҳар хўжалик суди қарорини бажарди-ю, Республика Олий хўжалик судига кассация шикояти жўнатди. Чунки, «Агротех»га ўхшаган яна қанча хусусий кичик корхоналар кредит муаммоси билан банд. Республика Олий хўжалик судининг шошилинч ажрими 1999 йилнинг 13 июлида чиқарилди. Унда «Бизнес фонд»нинг 1999 йил 8 июндаги 14/15-686-сонли кассация шикояти иш юритишга қабул қилинганлиги, қабул қилинган барча қарорлар кассация судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб турилиши айтилди. Ваҳоланки, қарор 12 июлда бажариб бўлинган эди. Аслида ҳам «Бизнес фонд»и ҳиссадорлик жамияти Республикамиздаги кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун тузилган.

Тадбиркор Тўймурод ака Худойназаров 14 июль куни келишув битими тузиш учун «Бизнес фонд» раисига учрашди. Раис: «Мана Ўзбекистонимизда ҳам демократия ғалаба қила бошлабди. Мен чин юракдан табриклайман. Ўз ҳақ-ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишингиз барча тадбиркорларга намуна бўлади», — дея илиқ кутиб олди. Келишувга мувофиқ 3 август куни томонлар учрашиш керак эди, аммо, қизиғи, битим имзоланмасдан 4 августга келиб «Бизнес фонд» ходимларидан Салима Қўйлиева бошчилигида Асрор Нуртоев, Адҳам Далиевлар Деновга яна текширгани сафарбар қилинади. Улар вилоятдаги вакиллари билан биргаликда туман солиқ инспекцияси, туман «Пахта банк»га ва «Агротех» МТП га бориб керакли маълумотларни талаб қилишади. Суд жараёни тугамаганлиги, ҳужжатлар судга топширилганлиги айтилса-да, тадбиркорнинг маъмурий биноси муҳрлаб кетилади.

10-11 август кунлари суд эшитиш жараёни ўтиши билан, ўта тезкорликда Салима Қўйлиева бошчилигидаги гуруҳ яна Сурхондарёга жўнатилади. Бу нима? Тирноқ остидан кир қидиришми? Судни вақтинча тўхтатиб туришга қурби етган шахслар бари бир кир тополмадилар.

Яхши ният билан бошланган ишга уч йилдан ошган бўлсада, ҳалигача муаммолар ҳал этилмади. Ҳамон судлашиш жараёнлари давом этаяпти. Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларга кўрсатилаётган эътибор жойларда хўжакўрсинга ҳал қилинаётгани кишини ўйлантиради. Биз кимнинг оёғидан тортаяпмиз? Ўзимизнинг эмасми? Бозорларимиз рақобатбардош маҳсулотларга тўлса, бозордаги нарх-наво сокинлашса кимга ёмон?

*Юсуф ЖУРАЕВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*


**«Обуна — 2000»**



*«Ўзбекистон овози» — ўзбек, Ўзбекистон халқининг овози!*
*«Ўзбекистон овози» дунёнинг кўплаб мамлакатларига тарқалади ва айни пайтда дунё мамлакатларидан хабарлар тарқатади Ўзбекистонга!*
*Ер шарида беш қитъа, олти миллиард аҳоли бор. Барчаси битта Заминда. Заминдошингиз оламларидан хабардор бўлишни истасангиз «Ўзбекистон овози»га обуна бўлинг!*
*«Ўзбекистон овози» — эртанинг газетаси!*

**Нашр индекси — 220.**
**Ва яна унутманг:**
**«Голос Узбекистана» — 121,**
**«Осиё бозори» — 174.**

*Ўзбекистон Халқ демократик партияси III Курултойига*

# Ватан равнақига камарбастамиз!

## Тарихимиз саҳифалари

### 1991 — 1999 йиллар

### 1993

**2 март.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида республика хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлардаги турли муассаса ва ташкилотлар, сиёсий партия ва жамоа ташкилотлари вакиллари бўлмиш хотин-қизлар билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув иштирокчилари Ватан мустақиллигини мустаҳкамлашда, мураккаб бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий жиҳатдан пухта ҳимоялашга, халқимиз тинчлиги, осойишталигини асрашда, фуқаролар тотувлиги ва миллатлараро аҳиллик, дўстликни улуғлашга қаратилган изчил, самарали сиёсатни маъқуллаб республика Президенти Ислом Каримов номига Очиқ хат қабул қилдилар.

**17 март.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси партия аъзоларига, республикамизнинг барча фуқароларига Наврўз табригини йўллади.

**18 март.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида тинчлик ва қуролсизланиш учун кураш Умумхитой ассоциациясининг бош котиби Цяо Сяобин бошчилигидаги делегация, қабул қилинди.

**18 март.** Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ҳокимлиги Эшонгузар қўрғони ҳудудий партия ташкилотининг таклифи ва Ўзбекистон ХДП туман кенгашининг қарорини маъқуллаб туман марказидаги Боғ кўчани бундан буён «Ўзбекистон овози» газетаси номи билан аташга қарор қилди.

**19 март.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Афғонистонда хизмат қилган собиқ ҳарбий хизматчиларнинг вакиллари ва афғон юртида ҳалок бўлган жангчиларнинг оила аъзолари Наврўз байрами арафасида қабул қилинди.

**22 март.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда партиянинг ҳозирги шароитдаги энг долзарб сиёсий вазифалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Шунингдек, Сиёсий ижроқўм мажлисида Тошкент вилоят партия ташкилотларининг Ўзбекистон ХДП юқори органлари ҳужжатларини ижро этишларига доир фаолияти ҳам муҳокама қилинди. Мажлис партия кадрларининг малакасини ошириш ва ижобий иш тажрибаси билан уларни қуроллантириш мақсадида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ўқув марказини ташкил этиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди.

**13-15 апрель.** Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида ХДП бошланғич ташкилотлари котиблари ҳамда партия кенгашлари масъул ходимлари, фаолларининг «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳозирги шароитдаги долзарб сиёсий вазифалари» мавзуидаги семинар- кенгашлари бўлиб ўтди.

**23 апрель.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сиёсий ижроия қўмитаси Ғалаба куни муносабати билан Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди.

**26 апрель.** Янгийўл шаҳрида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент вилоят кенгаши ташкил этган конференция бўлиб ўтди. Унда фуқароларнинг диний эътиқоди ва виждон эркинлиги бўйича конституцион кафолатларини рўёбга чиқаришда Ўзбекистон ХДПнинг фаол позицияси ҳақида сўз борди.

**3 май.** Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва фахрийлар қабул қилинди. Учрашув иштирокчилари мамлакат раҳбариятининг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини маъқуллаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов номига Очиқ хат қабул қилдилар.

Янги демократик куч сифатида мустақил Ўзбекистоннинг янги тарихи саҳифасига чиққан Ўзбекистон Халқ демократик партияси тузилганига саккиз йил тўлди. Бу муддат жамиятда ўз ўрнимизни топиш, ўз маслакдошларимизга, тарафдорларимизга эга бўлиш, ўзлигимизни кўрсатиш учун етарли фурсатдир. Табиий савол туғилади: партия учун ўтган даврнинг асосий якунлари нималардан иборат бўлади?

Биринчидан: Ўзбекистон ХДП ва унинг таркибий қисми бўлган Тошкент шаҳар ташкилоти халқимиз менталитетига, руҳиятига мос келувчи халқ демократияси мафкурасини илгари суриб, янгича ижтимоий-сиёсий шароитларда ишлашга муносиб партия эканлигини амалда кўрсатди.

Иккинчидан: биз бошқа партияларнинг сиёсий қарашларини, эътиқодларини ҳурмат қилган ҳолда, ўз сиёсий платформамизни изчил ҳимоя қила оладиган янги типдаги парламентар партия сифатида шакландик.

Учинчидан: Тошкент шаҳар партия ташкилоти ўтган давр ичида ташкилий ва сифат жиҳатдан мустаҳкамланди. Бугун шаҳарда 11 туман партия кенгаши, 1616 та бошланғич партия ташкилоти, жумладан 787 та ҳудудий партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент шаҳар кенгаши ҳисобида турган партиянинг 82 фоиз аъзоси ХДП га кейинги 7 йилда кирган кишилардир.

Тўртинчидан: Халқ демократик партияси ва унинг Тошкент шаҳар ташкилоти, барча қуйи партия ташкилотлари мамлакатимизда содир бўлаётган янги, демократик, бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган жамиятни барпо этиш жараёнларининг фаол иштирокчилари бўлдилар.

Ҳар қандай партия ўз мақсади ва уни амалга ошириш воситаларининг ҳаётга яқинлиги билангина обрў-эътибор қозониши, одамларни ўз ғояларига ишонтира олиши мумкин. Биз ясама мақсадларни ўз олдимизга қўймаганмиз.

Албатта, мустақил Ўзбекистонни юксак ривожланган, дунёнинг истаган мамлакати билан тенг мулоқот олиб бора оладиган, ижтимоий адолат тўла қарор топган давлатга айлантириш муҳим мақсадимиздир.

Партиямизнинг Ватанимиз ҳаётида муносиб роль ўйнаши, унинг амалий фаолияти, Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги аҳамияти биз, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча аъзолари учун ўта муҳимдир.

Бизнинг фақат бир партияга шунчаки мансублигимиз эмас, балки ягона ҳаётий интилишлар ва мақсадлар бирлаштириши, бунда ҳар бир партиядошимиз бутун партия ёрдамига қатъий ишониши бугун ҳар қачонгидан кўра долзарб бўлиб турибди.

Айни вақтда, бозор ислоҳотларига мувофиқ кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилянти. Кўплаб кишилар тадбиркорлик соҳасига ўтмоқда. Бу жараёнлар шаҳар партия ташкилоти фаолиятида ўз аксини топмоқда.

ЎзХДПнинг ҳудудий ташкилотлари сўзда эмас, балки амалда тадбиркорларга ёрдам беришни вазифа қилиб олганлар. Бу енгил- елпи йўллар билан бойлик тўплашга интилаётганларни эмас, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш демақдир.

Долзарб муаммолардан яна бири, янги ишчи ўринларини ташкил этиш масаласидир. Бир томондан, мулк шакли ўзгарган корхоналарнинг ходимлари янги ишчи ўринлари топишлари керак, иккинчи томондан, биргина шу йилнинг ўзида Тошкент шаҳрида 9-синфларни битирган 36 минг кишидан қанчаси меҳнат бозорига чиқади, бу ерда уларни нима кутяпти? Албатта қийинчиликларни санаш билан чеклана олмаймиз.

Бектемир туман кенгашининг бевосита ёрдами билан «Дурдона» фирмаси очилди, унда 200 нафар қиз меҳнат қилмоқда, халқимиз анъаналарини давом эттирувчи маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдалар, Яккасарой туман кенгаши эса таъмирлаш қурилиш ишларини олиб борувчи «Таъмирчи-усто» фирмасига оталиқ қилмоқда. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Айрим ҳамкасбларимиз «Сиёсий партия шундай ишлар билан шуғулланиши керакми?» деб эътироз билдиришлари мумкин. Аммо аниқ муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бермасдан туриб, фақат тарғиботташвиқот билан ватандошларимизга таъсир ўтказиб, уларни ўз сафимизга тортиш мумкинми? Маърузахонлик ва ваъзхонликдан кўра, қилинган аниқ бир иш одамларга кўпроқ таъсир қилиши, партиямизнинг сиёсатини реал тушунтириб бериши мумкин. Биз партиямизни гапдонлар, сўзамоллар партияси эмас, балки амалий ишлар партияси, деб аташларини истардик.

Шу муносабат билан яна бир муаммони ва унга партиямизнинг ёндошувини қайд этмоқчиман. Яқин келажакда пойтахтдаги турар жойларда ЖЭУлар тугатилиб, уй эгалари кенгашлари тузилади. Улар уй-жой биноларини сақлаш бўйича барча масъулиятни ўз зиммаларига оладилар. Бунда бизнинг ҳудудий партия ташкилотларимизнинг уларга кўрсатадиган амалий ёрдами жуда муҳим бўлиб, ташкилий, ҳуқуқий ва маънавий ёрдамга эҳтиёж сезилади.

Партиянинг ҳар бир аъзоси маҳаллаларда, шаҳар кенгашида фаолият кўрсатиб, ислоҳотлар моҳиятини атрофдагиларнинг тўғри тушунишига ёрдам беришлари мумкин. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари билан биргаликдаги бу ишда яхши тажрибага эгамиз. Унинг самараси, шак-шубҳасиз, бўлажак сайловларда акс этади.

Яна бир масала. Кейинги вақтларда туман кенгашлари етим-есир болаларни оталиққа олмоқдалар. Бу борада Юнусобод, Чилонзор, Собир Раҳимов туманлари партия кенгашларининг иши диққатга сазовордир. Шарқ мутафаккирларидан бири айтганидек:

***Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод —***
***Яхшидир ер юзин қилгандан обод!***

Сайловларга тайёргарлик кўрар эканмиз, партиямизнинг кимнинг манфаатини ифодалашини, ҳимоя қилишини аниқ белгилаб олиш зарурати долзарблик касб этади.

Бизнинг сиёсий рақибларимиз ўзларининг тадбиркорлар ёки ёшлар манфаатларини ифодалашларини баён қилиб, бизни кекса авлод партияси, деб аташаётгани қизиқ туюлмоқда.

Ахир, биз ҳеч қачон оталаримиздан воз кечмаганмиз ва қалби ёш, янгиликка интилувчи, ёши улуғ партиядошларимиз борлигидан фахрланамиз-ку. Халқимизда «Қари билганни — пари билмас» деган нақл борлигини унутмайлик!

Айни вақтда биз келажакка интилаётган партиямиз, мақсад ва вазифаларимиз ёшлар учун ҳам мақбулдир. Масалан, 1993 йилдан бошлаб шаҳар партия ташкилоти ҳисобидаги 30 ёшгача бўлган аъзолар салмоғи икки баравар кўпайиб, 15 дан 30 фоизга ўсди.

Ёшлар клубларининг харажатларини қоплаётган ёки энг яхши талабалар учун ХДП стипендиялари таъсис этаётган туман кенгашларимиз фаолияти ҳам ижобий натижа бераяпти. Аммо 16 февралда юз берган фожиали воқеалар ғояларимиз қанчалик олийжаноб ва оқилона бўлмасин, уларни изчил тарғиб қилиш ва ҳимоя қилиш зарурлигини ҳам кўрсатмоқда.

Ёшларимиз онгида ватанпарварлик туйғусини янада ривожлантириш, юртга содиқлик ғоясини тўғри тарғиб қилиш ҳар биримизнинг муқаддас ишимиз бўлмоғи лозим. Чунки Президентимиз айтганларидек: «Ўз мамлакати билан фахрланадиган инсон жуда кўп нарсаларга қодирдир. Бу эса оиланинг ҳам, ўз Ватанининг ҳам шон-шуҳратини оширади».

Президентимиз И.А. Каримовнинг ташаббуси билан 1999 йилнинг Аёллар йили деб эълон қилиниши давлатимизнинг оналаримизга, опасингилларимизга, қизларимизга бўлган муносабатини кўрсатади.

Шаҳар партия ташкилоти фаолиятида ҳам хотин-қизларнинг роли катта. Партия ташкилотимиз таркибининг 47 фоизи аёллардир. Хотин-қизлар шаҳар кенгашида ҳам муносиб ўрингa эгадирлар.

Бизнинг мафкуравий душманларимиз ёшлар билан бир қаторда айрим аёл ва қизларни ўз ғаразли мақсадлари йўлига оғдириб, хотин-қизларни ўзларига қалқон қилишга уринмоқдалар. Сохта ғояларни аёллар ўртасида сингдиришга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилмоқдалар. Оилага ҳарорат берувчи болаларни тарбияловчи аёлни ўз измига бўйсундиришмоқчи.

Бизнинг бу борадаги нуқтаи назармиз аниқ-равшан: хотин-қизларимизнинг яна «тўрт девор» ортига қайтиши эмас, балки давлат ва жамият ҳаётида фаол қатнашиши буюк келажагимизнинг гаровидир.

Биз виждон эркинлиги қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда, кишиларнинг турли ғаразли диний экстремистик, қўпорувчилик, миллатчилик, шовинистик, маҳаллийчилик оқимларига қўшилиб кетишларига, маҳаллий махдудликка, диний жаҳолатпарастликка берилишларига қарши курашаверамиз. Айниқса бу борада яккама-якка иш олиб бориш ҳар қачонгидан кўра муҳимдир.

Асосийси экстремистик ғояларнинг даъватчилари ҳамма жойда - масжиддан тортиб, бозор, ишхоналарда ҳам муносиб зарба олиши керак. Партия аъзоларининг ҳозирги вақтда жим туришга, ўзини четга олишга, муросасозликка берилишга ҳаққи йўқ. Биз диний фанатизм ва сиёсий экстремизмнинг илдиз отишига йўл қўймаслигимиз шартлигини яхши тушунамиз!

Миллатлараро тотувликни таъминлашга ҳисса қўшиш ҳам бугунги кунда долзарбдир. МДҲ даги айрим давлатларда содир бўлаётган тартибсизликларни, миллий низоларни бизнинг кўп миллатли заминимизга кўчиришга уринаётган, миллатлараро ваҳима солишга уринаётган кучлар ҳам йўқ эмас. Улар бизга ҳасад қиладилар. Шунинг учун биз — Ўзбекистон, Марказий Осиё халқлари ўзаро қанчалик тотув яшасак, ҳамкорлик қилсак, бир-биримизни тўла тушунсак, ғаламислар асло қабиҳ ниятларига ета олмайдилар!

Шахримиз аҳолиси ва Тошкент шаҳар партия ташкилоти кўп миллатлидир. Ўзбекистон ХДП шаҳар ташкилоти таркибида турли миллат вакиллари бор. Улар Ватанимизнинг буюк келажаги учун меҳнат қилмоқдалар. Биз бу анъанани давом эттиришни кундалик вазифа қилиб қўйганмиз. Турли миллатлар вакилларининг тотувлиги ва ҳамжиҳатлиги бизнинг бебаҳо бойлигимиздир.

Яқин келгусида ўз олдимизга муҳим мақсад ва вазифаларни қўйиб, уларга қандай эришмоқчимиз?

Аввало, партия аъзоларининг ижтимоий ҳаётда шахсий намунаси зарур. Сайлов компанияси яқинлашмоқда ва у кўп партиявийлик шароитида, демократик тамойиллар асосида қизғин ўтиши кутилмоқда. Ҳозирданоқ бўлғуси сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни кўпайтиришни режалаштирганмиз. «Умумий ғаплар кам бўлсин, амалий ишлар кўп бўлсин!» Биз бўлғуси сайловларга ана шу шиор билан борамиз.

***Латиф ҒУЛОМОВ***
***Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби***

## Амалий ишлар партияси

*1999 йил — Аёллар йили*

*Шавкат АКРАМОВ олган суратлар*

*Хотин-қизлар партиямизда ҳам фаол, жонкуяр.*

## Нурга интилаётганлар эътиқоди

**Инсон зоти борки, нурга талпиниб яшайди. Зеро, ёруғликка интилганнинг дили пок, қалб кўзи очиқ, мақсади равшан, муроди ҳосил бўлади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилояти бошланғич ташкилотлари атрофига уюшганларнинг аксарияти шундай инсонлар.**

**— Кўп йиллардан буён партия аъзосиман, — дейди фахр билан Ғиждувон туманидаги Ғовшун қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси Хумор Ҳамроева. — Ўз тақдиримни шу партия тақдири билан боғлаб, кам бўлган эмасман. Оддий меҳнатчи эдим, партия мени тарбиялади, элга танитди. Умримнинг охиригача ЎзХДПга содиқ қоламан. Туман партия кенгаши бюроси аъзоси сифатида зиммамдаги масъулиятни унутмайман асло.**

**Баъзан, партияни — менга нима берди ўзи деган гапларни эшитганда ўша одамнинг қалб кўзи хиралигидан афсуслананман. Яқинда у партиядан бу партияга сакраб юрувчилардан бирига дуч келдим. Яхшигина лавозими, хизмат машинаси бор. У шу [illegible]жага еттунча ХДП аъзоси эди. Эътиқоди кемтик экан, сафимизда туролмади.**

**— Бундай кишилардан холи бўлмоғимиз даркор,— дейди кекса партия аъзоларидан бири Сано Жумаев. — Улар гулзор ичидаги «бегона ўт»га ўхшайдирки, фойдасидан зарари кўп.**

**Шу ўринда вилоят партия кейгаши, унинг қуйи бўғинларида ишлаётган фидойи партиядошларимиз эришаётган ютуқлар ҳақида кўпроқ тўхталгим келади. Қаранг, ўтган қурултойдан ҳозирга қадар қанча ўзгаришлар, ижобий силжишлар. Вилоятда қурилган нефтни қайта ишлаш заводи, Ўзбекистон — Америка ҳамкорлиги, Ўзбекистон — Ҳиндистон биродарлиги билан бунёд бўлган «Мармар», «Гуфик — Авиценна» қўшма корхоналари, «Когонёғ», «Бухороёғ» ҳиссадорлик жамиятлари янги қувватларининг маҳсулот бера бошлаганида партиядошларимиз улуши камми? Замонавий академик лицей ва коллежларни ким қурянти? Бошланғич партия ташкилотлари сони 900тадан ошгани, улар атрофига 28 минг маслакдошимиз бирлашгани қувонарли ҳол эмасми?! Шу қисқа вақт ичида аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий ҳимоя қилаётган, истиқлол мафкурасини одамлар, энг аввало ёшлар онги ва қалбига сингдираётган, ёт ғояга қарши ўз ғояси билан курашаётганларнинг олдинги сафида бораётган ЎзХДП аъзолари камми? Бухоро шаҳри, Ғиждувон, Жондор, Вобкент, Ромитан туман партия кенгашлари қандай фаолият кўрсатаётгани қўпчиликка равшан. Шу боис уларнинг жойлардаги нуфузи кун сайин ошаянти. Ўз сафларида 2500-3300 партия аъзосини бирлаштирган бу ташкилотлар халқ дарди билан яшашни кундалик эҳтиёж, деб биладилар.**

**— Бухоро ва бухороликларнинг катта ютуғи шундаки, — дейди вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Жалолиддин Нуруллаев,— бугун бу табаррук заминда турли миллату динга мансуб кишилар қўлни—қўлга бериб аҳил яшамоқда. Шаҳар партия кенгаши вилоятдаги миллий-маданий марказлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Дилдан дилга қўчаётган нур эса янада равшанлашиб бормоқда.**

**Бугун вилоятда бўляжак сайловларга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Партия аъзолари и[illegible]ан Ватанга, Истиқлолимизга содиқ бўлган, юртимиз равнақи учун астойдил меҳнат қилаётганлардан 15 нафарини Олий Мажлисга, вилоят кенгашига 60, шаҳар ва туман кенгашларига эса 365 нафари номзод этиб кўрсатилди. Кураш эса олдинда.**

***Даврон БАҲРОНОВ,***
***«Ўзбекистон овози» мухбири***

## Мен — демократман

**(партиядошларимга)**

*Истиқлол тонгида янги уйғонган,*
*Асил эрк қуёшин нурига қонган,*
*Элим деб, юртим деб, гуркираб ёнган,*
*Юртбошим ёнида дастёр қувватман,*
*Мен — демократман!*

*Халқимнинг жонига жонимни қўшиб,*
*Ватан томирида оқаман жўшиб,*
*Зафарлар карвонин олдига тушиб,*
*Шаҳдам одимловчи шери миллатман,*
*Мен — демократман!*

*Бугун масрур бўлиб кезади жаҳон,*
*Ўзбек, деб аталган улуғ шараф-шон,*
*Тенглар аро тенгман энди, бегумон,*
*Замон-ла, ҳамқадам кезар шиддатман,*
*Мен — демократман!*

*Олий манзилларни нишонга олиб,*
*Бу кўҳна дунёга ўт-доврўғ солиб,*
*Истиқбол йўлида бўлганча ғолиб,*
*Нурли довонлардан ошгум албат, ман,*
*Мен — демократман!*

*Оқ, яшил, мовий ранг акс этган маёқ,*
*Товланиб ҳилпирар қўлимда ҳар чоқ,*
*Кундузлар — офтоб у, кечалар-чироқ,*
*Парвозга шайланган Ҳумосифатман,*
*Мен — демократман!*

*Ватанни асра, деб, ёмон кўзлардан,*
*Дил бошқа, тил бошқа қаро юзлардан,*
*Ҳасад елвизаги теккан сўзлардан,*
*Аллоҳга илтижо қилгум фақат, ман,*
*Мен — демократман!*

*Замонам муаррих — носири бўлиб,*
*Ҳар ишга тайёру ҳозири бўлиб,*
*Адолат мезонин нозири бўлиб,*
*Халқим хизматига доимо шайман,*
*Мен — демократман!*

**Набижон МАМАДАЛИЕВ,**
**ЎзХДП Бувайда туман кенгаши мафкура бўлимининг мудири**

## Шаҳар кенгашининг пленуми

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда шаҳар кенгашининг биринчи котиби Л. Ғуломовнинг «Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига сайловларда и[illegible]гироки тўғрисида»ги маърузаси тингланди.

Шунингдек, пленум қатнашчилари халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг депутатлигига номзодлар кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига тавсия этилган номзодлар тўғрисидаги масалаларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг III Қурултойига делегатлар, Марказий Кенгаш ва Марказий тафтиш комиссиясига бўлажак аъзоларни сайладилар.

*Ўз мухбиримиз*

## Партияга амал учун кирмайдилар

**Танишларимдан бири менга шундай савол берди.**

**— ХДП аъзоси бўлиш сизга нима беради? Шундай ҳам масъулиятли вазифани бажарсангиз. Яна нимага интиласиз?**

**— Партияга амал-мартаба таъмасида кирарканларми? Бундай қунлар ўтмишда қолган-ку!..**

**Айрим ёшларда ҳамон сиёсий дунёқарашнинг ҳали шаклланиб улгурмаганлигидан ҳам кўз юмиш мумкин эмаслигини англадим. Шундай кишилар Президентимизнинг Республика Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясида айтган қуйидаги пурмаъно сўзлари маъзини чақишларини истардим: «...партия тарафдорлари ўзлари кўнгил қўйган партия ёки шахс нима учун курашаётгани ва нималарга қарши чиқаётганини яхши билишлари ва аниқ позицияга эга бўлишлари керак».**

**Ҳа, мен Халқ демократик партияси ташкил топган кундан буён унга аъзоман. Партиямизнинг истиқлол ғояларини, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишга қўшаётган ҳиссаси билан фахрланаман. Негаки, ҳар бир аъзонинг қалбида партия эришаётган муваффақиятлардан ифтихор қилиш, у курашаётган улуғвор ишларда фаол иштирок этиш туйғуси бўлмас экан, мақсадга эришиш қийин. У ёки бу партияга ўтиб юрувчилардаги беқарорлик ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.**

**Истиқлол бизга эрк берди. Ватанимиз юксак тараққиёт йўлига тушиб олди. Мен иқтисодчиман, шунинг учун ҳам бу соҳадаги тамойиллар қандай улкан ўзгаришларни бошлаб берганини кўриб-билиб турибман. Биргина Китоб туманини олиб кўрайлик. Ўтмишда фақат пахтага боғлаб қўйилган эдик. Эндиликда пахта билан бирга ғаллачилик, пилла етиштириш, боғдорчилик баравар ривож топмоқда. «Китоб» агрофирмасида йирик қувватли иккита қайта ишлаш корхонаси бунёд этилган. Ўнлаб кичик корхоналар туманда етиштирилаётган ноз-неъматларни қайта ишлаяпти. Айниқса, чет эл инвестицияси асосида «Қашқадарёмармар» бирлашмасида энг сифатли маҳсулот тайёрлана бошлангани, уларни чет элларга сотиш имкони яратилганини айтмоқ кифоя. Бундай янгиликлар, ўзгаришлар ҳақида ўнлаб мисолларни келтирмоқ мумкин. Уларни бунёд этаётганлар орасида юзлаб ХДП аъзолари бор. Туман ташкилоти ўз атрофига 2350 аъзони бирлаштириб турибди.**

**Шу ўринда партиямизнинг эртанги кунимиз, орзуларимиз, бошланган улуғ ишларнинг давомчиси бўлган ёш авлод тарбиясига катта эътибор бераётганини тилга олмоқ лозим. Айни пайтда туманда 89 та мактаб бўлиб, уларда 44 минг нафар ўқувчи таълим олаяпти. Уларга 5 мингдан ошиқ ўқитувчилар таълим бераётган бўлса, партиямиз сафига кирган, унинг мақсад ва режаларига хайрихоҳ кишилар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг меҳнати, интилишлари туфайли партиямиз сафи эртанги баркамол ёшлар ҳисобига тўлиб боришига шубҳа йўқ.**

**Китобда яна бир яхши анъана бор. Маҳаллалар ҳамма тадбирларнинг бошида туради. Мен Халқлар дўстлиги маҳалласида турсам ҳам бошқа маҳаллалардаги янгиликлар, ўзгаришлардан хабардорман. Тўй-маъракаларимиз бирга ўтади. Маҳаллаларда тузилган ХДП бошланғич ташкилотлари ана шу ибратли ишларга бош-қош бўлиб чинакам обрў орттирмоқда. Бу тарзда эл билан бирга бўлиш, одамлар дард-ташвишлари билан яшаш ҳаёт сингари заруриятдир.**

**Партиямизнинг III Қурултойи ҳаёт, бугунги курашларимиз тақозо этадиган қарорлар қабул қилиши аниқ. Булар эса ўз навбатида юрт тараққиёти, халқ фаровонлиги билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилишда партиядошларимиз учун дастуриламал бўлажак.**

***Йўлдош ҲАМРОЕВ***

## Тарихимиз саҳифалари

### 1991 — 1999 йиллар

**5 май.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг VII кенгайтирилган пленуми бўлди. Унда «Ўзбекистоннинг келажаги буюк давлатга айланиши йўлидаги тараққиёт ва янгиланиш — партиянинг бош мақсади» ҳамда «Республика Олий Кенгашининг XII сессиясига тақдим этилган масалаларга Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши билан депутатлар партия гуруҳининг муносабати ва уларнинг вазифалари тўғрисида»ги масалалар муҳокама қилинди.

**19 май.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 мартда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмаларининг низомларини рўйхатга олишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига биноан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қайта рўйхатдан ўтказилди. Унга жамоат бирлашмаси Низоми рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги 1-рақамли гувоҳнома топширилди.

**Май.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва республика Энергетика вазирлиги вакиллари Тошкент ГРЭСи меҳнаткашлари билан учрашдилар. Унда Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш йўллари ва бунда Халқ демократик партиясининг жамиятда тутган ўрни ҳақида қизиқарли суҳбатлар ўтказилди.

**Май.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида миллий мустақиллик мафкурасини ишлаб чиқишга бағишланган «думалоқ стол» атрофидаги учрашув бўлиб ўтди. Баҳсда жамиятшунос олимлар, ҳокимият органларининг вакиллари, адабиётчилар, ХДП Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти кенгашларининг ходимлари қатнашдилар.

**Июнь.** Қарши ва Самарқандда «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳозирги шароитдаги энг долзарб вазифалари» мавзуида семинар-кенгашлар бўлиб ўтди. Унда ХДП вилоят шаҳар, туман кенгашларининг раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотларининг котиблари, сиёсатшунослар, олимлар иштирок этдилар.

**Июнь.** Чирчиқ, Янгиобод, Янгийўл, Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари саноат корхоналаридагиХДП бошланғич ташкилотларининг котиблари Ўзбекистон металлургия заводига ташриф буюрдилар. Бу ерда саноат корхоналари бошланғич партия ташкилотларининг иш усуллари ва шаклларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

**1 июль.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлисида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Хоразм ва Қашқадарё вилоятларига сафарида билдирган фикр ва мулоҳазаларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди.

Сиёсий ижроия қўмитанинг мажлисида республика Мустақиллик кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан Ўзбекистон ХДП ташкилотларнинг вазифалари ҳам кўриб чиқилди. Марказий Кенгашнинг мамлакат Мустақиллик кунининг икки йиллигига бағишланган тадбирлари тасдиқланди.

**12 июль.** Ўзбекистон халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раҳбарияти билан «Ўзбекистон овози» газетаси ижодий ходимларининг учрашуви бўлиб ўтди. Мулоқотда партия газетаси журналистларининг навбатдаги вазифалари, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг икки йиллигига тайёргарликни ёритиш билан боғлиқ масалалар ҳақида сўз юритилди.

**12 июль.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррир лавозимига Азимбой Алимович Суюнов (Азим Суюн)ни тасдиқлади.

*(Боши ўтган сонларда. Давоми бор)*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

## «Замонавий мулкдор»

### қимматли қоғозлар бозорида банк маҳсулотининг янги турини тақдим этади

*Энди қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир битимларни расмийлаштириш учун Тошкентга, биржага келиш шарт эмас. Барча ҳужжатларни яшаш жойидаги Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг яқин атрофдаги филиали ёки бўлимида расмийлаштириб, битимларнинг сифатли ижро этилажагидан ҳотиржам бўлишингиз мумкин.*

**Янги хизмат тури қуйидаги имкониятларни беради:**

- *Қимматли қоғозлар олди-сотдисига операцияларда эркин қатнашиш;*
- *Қимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотишга доир маслаҳатлар олиш;*
- *Хоҳ биржа бозорида, хоҳ биржадан ташқари бозорда сотилаётган қимматли қоғозлар котировкаси тўғрисида тўлиқ маълумот олиш.*

**Миллий банк қуйидагиларни кафолатлайди:**

- *Қимматли қоғозларга доир битимларни ўз вақтида ва сифатли расмийлаштириш;*
- *Қимматли қоғозларга доир операцияларнинг хавфсизлиги ва ўз вақтида бажарилиши.*

NBU

Қўшимча маълумотлар учун Қимматли қоғозлар бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Алоқа учун телефон: 137-59-42


## Чаноқлардаги сўмлар

Зарафшон воҳасининг оппоқ далалари олтин куз оғушида. Юлдузмисол очилган лўппи пахталар кишини ўзига маҳлиё этади. Самарқандликлар қимматбаҳо хомашёни ёғин-сочин ва совуқ кунларга қолдирмаслик учун ҳаракатни жадаллаштирмоқда ва шунга яраша ҳақларини ўз вақтида олишмоқда. Шунинг учун пахтанинг бир мисқоли ҳам нес-нобуд қилинмайди.

- Ҳар бир кило пахта учун 8 сўмдан ҳақ тўлаяпмиз. Ҳисобкитоб ҳар беш кунда якунланиб, даланинг ўзида теримчиларга тўланмоқда, - дейди «Пахтабанк» Жума шаҳар бўлими бошқарувчиси Ш. Худойбердиев. - Биринчи беш кунликда 14 миллион 200 минг сўм тарқатган бўлсак, иккинчи беш кунликда 42 миллион 414 минг сўм, учинчи беш кунликда эса 30 миллион 42 минг сўм теримчиларга меҳнат ҳақи сифатида тарқатилди.

Пасдарғом тумани бу йил 8900 гектар ерга чигит қадаган. Давлат шартнома режаси 21805 тонна. Қўли қадоқ пахтакорлар режани бажариб, уни 25 минг тоннага етказиш учун тонгни шомга улаб меҳнат қилмоқдалар. «Шарқ юлдузи», Охунбобоев номли жамоа ва «Дўстлик» ширкат хўжаликларида ҳар куни 10-12 фоиздан «оқ олтин» топширилмоқда.

Вилоят пахтакорлари 250 минг тонналик улкан пахта хирмонини тезроқ бунёд этиш ва уни ошиғи билан уддалаш мақсадида белни маҳкам боғлаб, билакни шимариб далага чиққан. Бугун Самарқандда ҳамма пахтакор. Бир ойлик оммавий сафарбарлик эълон қилинган. Шу боис вилоятда ҳар куни йиллик режанинг 3,5-4 фоизи миқдорида «оқ олтин» териб олинмоқда. Шунга яраша «Пахтабанк» вилоят бўлими теримчиларга нақд сўм тўламоқда.

*Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири*

## Вилоятда пешқадам

Хушхабарнинг қаноти бор дейдилар. Шаҳрисабз туманидаги Улуғбек номли хўжалик пахтакорлари йиллик режани вилоятда биринчи бўлиб бажарганликлари бу йилги улкан хирмондан бир мужда бўлди. Хўжаликда ер оз, асосий майдонлар ғаллазорлар, пахта учун 325 гектар ер ажратилган эди. Деҳқонлар ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Шуниси қувончлики, 98 фоиз ҳосил биринчи навга топширилди. Биргина уруғлик пахтанинг ўзи 480 тонна ўрнига 720 тоннани ташкил этди. Ҳосилдорлик Х. Аҳмедов, Н. Худойқулова, Я. Қобиловлар бошлиқ бригадаларда 34-35 центнерга етди. Пахтакорлар яна 300 тонна пахта сотиш, ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш мажбуриятини олишди.

*Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири*

## Вазирнинг соғлиги яхшиланмоқда

**Байрутдаги кардиология шифохонасида Сурия ташқи ишлар вазири Фарух Шараанинг юрак операцияси муваффақиятли ўтди. Тўсатдан соғлиги ёмонлашган Фарух Шараа аввалига Дамашқдаги шифохоналардан бирига олиб келинди. Тиббий текширувлардан сўнг, беморни дарҳол қўшни мамлакатга ўтказишди. Шифокорларнинг айтишича, ҳозир суриялик вазирнинг аҳволи анча яхши.**

**Операция пайти шифохонада Ливан Бош вазири Салим Хосс ҳозир бўлди.**

## Одам ўғрилари қўлга олинди

**Қозоғистоннинг Қизил-Ўрда шаҳрида ўн икки ёшли ўспиринни ўғирлаган икки нафар жиноятчи қўлга олинди. Дастлабки хабарларга кўра, жиноятчилар боланинг ота-онасидан йигирма беш минг АҚШ доллари ундирмоқчи бўлган. Бироқ, фарзанди йўқолганидан хабар топган ота-она дарҳол тегишли идорага мурожаат қилган.**

**Мазкур жиноятчилар энди қонун олдида жавобгарликка тортилади.**

## Поездлар тўқнашуви

**Англия пойтахтининг Паддингтон темир йўл вокзалидан тўрт километр узоқликда иккита тезюрар поезд тўқнашиб кетди. Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳалокат оқибатида бир неча киши ҳалок бўлган ва икки юздан зиёд йўловчи турли даражадаги тан жароҳати олган. Ҳалокат пайтида ўнга яқин вагон ўз йўналишидан чиқиб, улардан бир нечтаси ёниб кетган.**

## Қочқинлар аҳволи

**Ингушетия ҳудудидаги қочқинларга озиқ-овқат етишмаётгани сабабли республика маъмурияти федерал ҳукуматга ёрдам сўраб мурожаат қилди.**

**Айрим маълумотларга қараганда, тез кунларда Ингушетияга еттита вагонда озиқ-овқат маҳсулотлари юборилади.**

## Автобус ҳалокати оқибатлари

**Кенияда юз берган автобус ҳалокати оқибатида саккиз нафар бошланғич мактаб ўқувчиси ҳалок бўлди. Бундан ташқари, яна қирқ тўрт ўқувчи ва саккиз нафар ота-она ҳам жароҳат олди. Полиция маҳкамаси берган маълумотларга қараганда, кўприкдан ўтаётган автобус қандайдир сабабларга кўра дарёга қулаб тушган.**




«Кимнинг юраги дов беради?»


ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
STATE COMMERCIAL PEOPLE'S BANK
BANK XALQ BANKI

# Халқ банки — халқ хизматида

## Диққат янгилик!

**Омонатларга қўйилган бўш пул маблағларингиз бўйича 1500 фоизгача даромад олишни истайсизми?**

**Бундай имкониятни Сизларга фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки яратиб беради.**

**Халқ банки 1999 йилнинг 1 октябридан бошлаб**

**«Жамғарма»**

**ютуқли омонатини таклиф этади.**

*Сиз ушбу омонатга 5000 сўм маблағ қўйиб, ҳар ойда 1000 сўмдан мунтазам равишда қўшимча бадал қўйиб борсангиз, мазкур омонат бўйича бир йилда икки марта ўтказиладиган ютуқлар тиражи якунига кўра омонат қолдиғининг 1500 фоизигача бўлган пул ютуқларига эга бўлишингиз мумкин.*

*Бу омонат тури бўйича 1500 фоизгача бўлган ютуқ даромадларидан ташқари, очилган ҳар бир ҳисоб варақасига, қўшимча равишда, қўйилган жамғармалар бўйича йиллик 5 фоиз миқдорида фоиз даромади ҳам тўланади.*

*Сиз Халқ банкининг исталган туман ёки шаҳар бўлимига мурожаат қилиб, ҳисоб варақасини очишингиз мумкин.*

**Халқ банки ўз маблағларингиздан самарали фойдаланишингиз ва катта миқдордаги сармояга эга бўлишингизга кафолат беради.**

*Қўшимча маълумотларни Халқ банкининг туман ва шаҳар бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 173-89-36, 78-53-63.*

**Банкимиз мижози бўлишга шошилинг!**

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки


## «Аралаш» ўйланма

**Ёй бўйича:** 1. «Хусну Дил» достонини ёзиб қолдирган XVIII аср ўзбек мумтоз шоири. 2.Томонлар ўртасидаги ўзаро келишув ҳужжати. 3. Бадиий тўқимачилик буюми. 4. Вақт ўлчови асбобини созловчи ҳунарманд. 9. Умуртқасиз жониворларнинг турли шаклда бўладиган косаси. 10. Тўқимачилик саноати маҳсулоти. 13. Хушбўй баҳор гули. 14. Айлана ёки шарнинг нуқталарини марказ орқали бирлаштирувчи тўғри чизиқ кесмаси. 15. Худойберди Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» романи қаҳрамони. 16. Булғориядаги шаҳар, округ маркази. 17. Бинонинг олд томони. 19. Илдиз мевали сабзавот экини. 22. Поясидан, тола уруғидан ёғ олинадиган бир йиллик экин. 23. Миллий таом. 25. Воқеа ҳодисалар давр бўйича қайд этиб борилган тарихга мансуб манба. 26. Математикада маълум миқдорни ифодалашда қўлланиладиган лотин алифбосидаги ҳарф. 27. Арабистон ярим оролидаги давлат. 28. Маълум бир жой режаси чизмасини чизишда фойдаланиладиган геодезик анжом.

**Энига:** 5. Камёб, шохли чопқир жонивор. 6. Оддий ҳарорат шароитида суюқ ҳолда бўладиган кумушранг металл. 29. Электр токи қучининг ўлчов бирлиги. 30. Юнонларнинг қадимий, афсонага айланган шоири, «Илиада», «Одесса» достонлари муаллифи.

**Бўйига:** 7. Умрбоқий, шаполоқ баргли, серсоя дарахт. 12. Қизпишар қуруқ мева. 18. Кимёвий унсур. 24. Ипак қурти ҳосили.

**Диагонал бўйича:** 8. XIX асрда яшаб ижод этган ўзбек мумтоз шоири ва тарихчиси. 11. «Шашмақом»да асосий қуйнинг мустақил қисми. 20. Махсус юк ортилган транспорт воситалари таркиби. 21. Углерод ва водороддан иборат, ҳаво билан биргалик портловчи қоришма ҳосил қиладиган ёнувчи туссиз газ.

**Муаммонома:** Очқич сўзлар:

1. Вақт ўлчови бирлиги — 10, 2, 1
2. Шахмат ўйинидаги ҳолат — 5,6,8
3. Ҳаёт манбалардан бири — 13, 9, 15
4. Таом учун ишлатиладиган кимёвий модда — 8, 9, 11
5. Жисмоний қувват — 3, 9, 16
6. Абулқосим Фирдавсий таърифича: «Худо берганларин — 4, 1,21 султони»
7. Қуёш тизими таркибидаги сайёра — 14, 7

Энди очқич жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Унда машҳур турк олими, шарқда кенг шуҳрат топган «Муқаттаоти арабиа» (арабча ҳикматлар сайланмаси) китоби муаллифи Муҳаммад Зеҳний ҳикматларидан бири аён бўлади.

*Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ*




ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2000 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

| Обунани янги манзилга юбориш | Баҳоси | сўм | обуна сони |
|---|---|---|---|
| | Баҳоси | сўм | |

2000 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

## Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг 10 йиллигига

# Ватан қудрати миллат бирлигида

1989 йилнинг бошларидаги ҳаракатлар улкан парвозга интилаётган лочинни эслатарди. Ҳукумат тепасига Ислом Каримов келгач «мустақиллик тилдан бошланади» ибораси пайдо бўлди. 1989 йил 21 октябрда «Ўзбекистоннинг Давлат тили ҳақида»ги қонун эълон қилинди. Ўзбек тили ягона Давлат тили сифатида олий мақомга эга бўлди.

Деҳқон бирон юмуш билан идоранинг эшигини тақиллатмоқчи бўлса «что надо, папаша?» дея қарши оладиганлардан безилларди. Ўз юртингда камситилганингни англаб яшашдан ортиқ азоб бўлмаса керак.

Она алласи-ла қонимизга сингган тилимиз бизники. Уни эъзозлаш ҳам ўз қўлимизда. Тил ҳамиша янгилликка интилиб яшайди. Янги иборалар, атамалар кириб келаверади. Бу атамани бундай эмас, мана бундай аташ керак деган билан иш битмайди. Халқнинг тилига ўрнашгани истеъмол қилинаверади. Асосийси тилнинг хусусияти ўзга тилдан олинган иборани ўз ҳаёт тарзига мослаштиришида. Масалан: қизил шифобахш сўзидан олинган помилдорини патинжон деган билан халқ ҳазм қилолмайди. Ёки юк ташиш, енгил машиналарини, йўловчи автобусларини баъзида улов деб ишлатилаяпти, бироқ аҳоли улов деб отни, эшакни тушунади. Автобусни эса автобус деяверади. Самолётни учоқ дедик, лекин эсини таниган бола осмонда кўриб қолса самолёт дейди. Демак, атамаларни жорий этишда халқ эҳтиёжини ҳам эътиборга олиш лозимга ўхшайди.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилди. У босқичма-босқич амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган. Ўтган давр мобайнида давлат идораларида, қуйи органларида иш юритиш давлат тилида ёзилаётганлиги ютуғимиз. Баъзи-баъзида учраётганларини эътиборга олмаганда котибалар ҳам ўзбекча жавоб беришни ўргана бошлашди. Бу миллатнинг мавжудлигидан, ўзлигига қайтаётганидан нишона. Аста-секинлик билан қадимий жой номлари тикланаяпти, босқинчи генералларнинг номлари эса миллат қаҳрамонлари номи билан алмаштирилаяпти. Бу «Давлат тили ҳақида»ги қонун амалда фаолият кўрсатаётганини билдиради.

Тўғри, кўпгина атамалар рус тили орқали кириб келган, бу русча сўзлар дегани эмас, аслини суриштирилса лотинча, итальянча ва ҳоказо сўзлар. Яна бир нарсани англаб олишимиз керак, Ўзбекистон ер юзида ягона давлат эмас, бизга ўхшаган минглаб давлатлар мавжуд. Бугунги кунда подшолар, юрт эгалари ер талашиб урушга кирмайди, миллатни миллатга гиж-гижламайди, балки бозор талашиб жанжалли ишларга қўл уради. Ривожланган давлатлар асосан тайёр маҳсулот олиб чиқади дунё бозорига. Хомашёга бой минтақаларни эса турли ғавғоларга бошлаб қўяди, хомашёни арзон гаровга сотиб олиш учун. Шундай экан дунё миқёсида аҳамиятга эга бўлган улуғ ишларни тадбиркорлик билан амалга ошириш миллат равнақига хизмат қилади.




1989 йилда қабул қилинган қонуннинг баъзи моддалари эскиргани, баъзиси эса амалга оширилгани сабаб қайта таҳрирга муҳтожлик сезилди. 1995 йил 21 декабрда «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Янги таҳрирда мутлақлик нафаси сезилади. Масалан: 1989 йилдагисида «муассасалар, давлат ва жамоат корхоналарининг муҳрлари, тамғалари ва иш қоғозларининг матнлари давлат тилида бўлади, русча таржимада такрорланади» дейилган бўлса, янгисида «русча таржимада такрорланади» жумласи бутунлай олиб ташланди. Ёки «Давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди, шу жумладан, унга ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш ҳисобига таъминлайди» дея давлат миқёсида аҳамиятини оширди.

Ўзбек тилини бойитиш учун атамашунослик қўмитаси ташкил этилганди. Ўтган қисқа давр мобайнида атамашунослар она тилимизни тарғиб қилиш борасида кўзга кўринарли ишларни амалга оширдилар. Газета, журналларда «Атамалар бурчаги» ташкил этилди. Одил Ёқубовнинг: «Вокзалми ёхуд қаторсаройми?», Ё. Тўрақуловнинг «Термин танлаш вазифаси кимга тегишли?», О. Шарафиддиновнинг «Тилда ҳикмат кўп» каби мақолалари газеталарда чоп этилди. Яқинда эса Одил Ёқубов ва Ҳабибулло Бектемиров муаллифлигида «Давлат тили ҳақидаги қонун ва атамашунослик масалалари» рисоласи «Фан» нашриётида чиқарилди. Мазкур қўлланмада тил тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинишидан бошлаб шу кунгача қилинган ишлар атрофлича ёритилган. Атамаларнинг турли шаклда ишлатилишига чек қўйилиши лозимлиги айтилган. Баъзи олимларнинг айтгани каби автобусни — кўп курси, институтни — таълимгоҳ, билимгоҳ, олийгоҳ, пенсионерни — нафақахўр деб ишлатиш ўринли эмас, албатта.

Шу кунларда қилинаётган яна бир хайрли ишни тилга олишни жоиз деб билдим: Атамашунослик қўмитаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон овози» газетаси «Тил дарё — дарёмизни асрайлик» рукнида атамалар бурчаги ташкил этган эди. Ушбу жамламани «Ўзбекистон овози» газетаси китоб қилиб чоп этиш тараддудида. Мен ўйлайманки, мазкур қўлланма каттаю-кичик раҳбарларнинг столи устидан жой олади, муҳим дастёрга айланади.

Тилни эъзозлаш — миллатни, онани эъзозлашдир. Халқни эркин фикрлашга ўргатиш, мамлакатни ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш ҳам тилга бориб тақалади. Эндигина юксакликлар сари парвозини бошлаган лочин мақсад сари интилиб учади. Эзгу мақсадлар эса баландликни забт этишда суянч бўлади. Биз миллат бўлиб қайта шакландик, она тилимиз кун сайин қадр-қимматини топмоқда. Ватаннинг қудрати ҳам миллатнинг бирлигида! Миллат бирлиги эса ягона адабий тилнинг мавжудлигидадир.

*Юсуф ХУДОЙҚУЛ*

# Ваҳоланки улар — чумолилар

## «Фарзандга номалар» туркумидан

Эй азиз фарзанд!

Ижозат этсанг, энди итоат эттирмоқ ва бўйсунмоқ хусусида қаламим учида турган гапларни қоғозга туширмоқчиман.

Аср довонидан ошган бир мўйсафидга савол берибдилар: «Қандай қилиб бунча умр кўрдингиз?» Отахон дебди: «Умр бўйи ҳеч бўйсунмадим ва ҳеч кимни бўйсундирмай яшадим».

Эй фарзанд! Билки, биз кимларгадир тобемиз ва аллакимлар бизнинг қаршимизда бош эгиб туришга маҳкум этилган. «Бўйин синиш» деган каломнинг андак ўзгарган мазмун ва моҳиятига эътибор бер. Шунинг учун итоаткорлик ҳам, итоатгўйлик ҳам умрнинг эговидир. Тағин шуни билиб қўйгинки, кишилар аксар ҳолларда бошлиққа ишонадилар, эътиқод қўядилар, аммо баъзи амалдорлар қўл остидаги одамлардан шубҳаланиб юрадилар.

Ҳамма замонлар, жамиятлар ва тузумларда ҳам шундай бўлиб келган. Бир тоифа амалдорларнинг идеаллари тузук бўлса ҳамки, ўзлари бошқа нарсаларга интилганлар: улар Қуръонга ҳам, партия билетига ҳам хиёнат қилишдан тойишмаган. Замонлар ўтган сари бўйсунувчи кишилар талабчан, ҳақгўй ва андак беандиша бўлиб боргани сингари мансабдорлар ҳам чечан, маккор ва бешафқат бўлиб боравергандар...

Ҳарҳолда раҳбар билан амалдорнинг фарқи бор. Лекин инсоф билан айтганда, бизнинг замонда бошлиқ бўлиш унчалик жўн иш эмас. Баски, шундай экан жамият адолатли раҳбарларни қадрламоғи керак. Кимга кўп ҳуқуқ берилган бўлса, ундан шунча кўп талаб қилинишини унутишга ҳаққимиз йўқ! Бошлиққа итоат этмай, уни нописанд қилишни ғурур деб билмоқ хато, албатта.

Эй фарзанд! Ҳар қандай мансаб соҳиби бўлганингда ҳам одамлар безиб кетадиган даражада қаттиққўл ёки оёқости қилиб ўтадиган ҳолатда бўш бўлма. Шундай иш юритмоғинг керакки, мабодо вақт келиб, амал курсисидан ажралиб қолсанг, танишларинг, қавмларинг юз ўгиришмасин. Бунинг учун қавмларга меҳрибонлиқ кўрсатиб турсанг, маҳалланинг тўй-маъракаларидан ўзингни чеккага олмасанг, анъаналарга нописанд бўлмасанг, кишиларни яхши кунларида қўлларини қисиб қўйсанг, мушкул дақиқаларда пешоналарини силасанг — кифоя!

Мансаб поғоналарига қараб иш юритиш таомиллари ҳам такомиллашиб боради. Аммо ҳар қандай курсини тавсия этишганда обдон ўйлаб ол: билиминг, қобилиятинг, тажрибанг етарлими, аввалги раҳбардан ошириброқ иш юритаоласанми?! Мабодо дилингга ўтиришмаса, юрагингни жизиллатмаса, назокат ила рад этгил. Мардликнинг таомили шунақа. Куч-қувватинг, имкониятинг даражасидан ташқари бўлган зўриқиш сени маънавий жиҳатдангина эмас, жисмоний жиҳатдан ҳам мажруҳ қилиб қўйиши мумкин. Ахир сен ота-она, фарзандлар, жамият учун соғлом бўлишинг, кўпроқ яшашинг керак-ку!

Ҳар қандай касбу ҳунар сингари раҳбарлик ҳам сенга завқу шавқ ато этса; илҳом-иштиёқ билан ишласанг — татийди. Шундай иш юритгинки, дўсту қариндошлар, кексалар ва мажруҳлар, аёллар ва жабрдийдалар ҳузурингга киролмай азият чекишмасин.

Қонунлар бизни ҳимоя қилиши керак бўлганидай, биз ҳам уларга нописанд бўлмайлик. Айниқса раҳбар бу масалада нодонликка йўл қўйса, бебурд бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Сен раҳбар бўлган даврда сиёсат-у вазиятлар ўзгариб қолиши мумкин. Бундай пайтда узоқни кўзлаб, ақл билан иш юрит. Таъна, маломатларга, иккиюзламачиларга нисбатан вазмин бўл.

Мансабдан ажралишни сира ҳам бахтсизлик деб билма!

Мен бир маҳаллар чумолилар ҳаёт тарзини кузатгандим.

Бу улкан рўзғорда катта ва кичик лавозимдаги бошлиқлар (уларни қанотидан аниқлаш мумкин) бўлиб, қолганлари умр бўйи меҳнат қилишга маҳкум этилган жониворлардир. Ишчи чумолилар тухумдан чиққан заҳоти рўзғорнинг темир интизоми, табиатнинг инстинкт деган қонунига бўйсуниб ишга киришади. Аввал йўлакларни, омборларни тозалайди, чиқиндиларни олиб кетади. Сўнг қиш ташвиши...

Чумолилар одамлардай йиғилишлар ўтказишмайди, аммо фидокорона ва ҳалол меҳнат қилишади. Бу жамоада дангасалар ва бадмастлар, нигилистлар ва экстремистлар, хоинлар ва аблаҳлар йўқ. Меҳнат ҳамма учун биринчи зарурат, интизом ҳамма учун қонун! Уларнинг бир-бирига, оилага ғамхўрлиги ҳақида ўнлаб бадиий ва илмий асарлар битиш мумкин. Масалан, оила аъзоларидан бирортаси яраланиб ёки хасталаниб қолгудай бўлса, галалашиб унга гиргиттон бўлишади. Жами жониворлардан фарқли ўлароқ, нобуд бўлган шерикларини чиқариб кўмишади. Бирор фалокат рўй берганда, масалан инлари бузилганда ёки уни сув босганда энг аввал тухумлари, палапонлари, ярадорларини олиб қочишади.

Ваҳоланки улар — чумолилар!

*Нусрат РАҲМАТ*

# Хамлет полвонни ёд этиб

Назаримда инсон таржимаи ҳоли икки хил. Ёзиладиган ва халқ хотирасига хоҳ. Зеро, умрбоқийлик хотира билан абадий. Боиси, одам боласи тирикликда ёру дўстлар орттириб, севиб-севилмаса, савобли ишлар қилиб, ҳожат чиқармаса, эзгулик уруғини сочмаса бундайлар таржимаи ҳоли ҳаминқадар бўлғусидир. Бордию, умр бўйи халқи , юрти билан фахрланиб, қувончу-ташвишларига шерик бўлиб, ҳамнафас, ҳамфикр бўлса бундай ватанпарварнинг хотирасини кишилар қалб тўрида сақлайдилар.

Хамлет Йўлдошев ҳам ана шундай инсон эди. Паркентликларнинг меҳрини қозонган, бағри кенглардан бўлган. Бевақт ўлим бу инсонни орамиздан олиб кетиб, дўстларию, даврадошларини изтиробда қолдирди. У кишини сўнгги йўлга кузатиш чоғида чорватрофдан ҳамдардлик ёғилди. Улар орасида мамлакатда кураш шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган полвонлар ҳам турарди. Меҳрибон устоз, севимли мураббийга чуқур таъзия изҳор этилди.

Хамлет миллий курашга ўзини фидо қилган , беллашувсиз ҳаётни тасаввур этолмайдиган усиз бирорта тадбир, маросим ва тантаналар ўтмайдиган инсонлар сирасидан бўлиб, ҳамиша эъзозда эди. Балки Паркентда ҳанузгача ҳеч ким у кишичалик кураш ҳақида завқ-шавқ билан мароқли гапира ололмас. Полвондаги ўзбекона одмилик, тантилик муҳими кенг феъллик каби фазилатлар ўзига хос уфуриб турарди. «Оддий бўл, яхшилик қил» —ҳамиша дилдан такрорлайдиган сўзлар. Туман ҳокими, Тошкент вилояти кураш федерацияси президенти Тўроп Ҳолтоев полвон ҳақида шундай фикрда:

— Хамлет полвон туманимизда кураш мактабини яратди. Унинг номини минглаб ёшлар устоз деб тилга оладилар. Ёшларимизни республика миқёсига олиб чиқиш йўлида кўп саъй-ҳаракатлар қилган. Иқтидорли йигитчаларнинг бошини силаб, кураш майдонига чорларди. Меҳнатлари зое кетмади. Шогирдлари Ўзбекистон, қолаверса Ўрта Осиё чемпионлари бўлишди. Булар айтишга осон. Боиси, бундай натижага эришиш катта меҳнат, сабр-тоқат ва маҳоратни тақозо этади. Паркентда эса 30 нафардан кўпроқ Ўзбекистон чемпиони бор.

Полвон 1938 йилнинг 9 ноябрида Паркентда деҳқон оиласида таваллуд топди. Отаси Йўлдош, онаси Норбиби хонадонида 5 фарзанд вояга етди. Хамлет уларнинг тўнғичи эди. Ўрта маълумотни 1-мактабда олди. Кўзи-кўчқор пешонаси дўнг бўлур деганларидек олтинчи синф ўқувчиси устозлардан А.Ильминскийнинг назарига тушди. Бўладиган болага алоҳида эътибор ва тарбия кўрсатилди. Кейинчалик Ю. Лазеров юнон-рум кураши бўйича сабоқлар берди. Тез орада Хамлет 3-катталар разряди талабини бажариб, жисмоний тарбия институтига ўқишга кирди. 1962 йили қийин машғулотлардан бирида нохушлик юз бериб, тиззасидан жароҳат олди. Бу вақтда полвон республика чемпиони ҳамда юнон-рум кураши бўйича талабалар мусобақаларининг бир неча бор совриндори бўлишга эришганди. Тенгдошларидан бири Аброрхўжа Соттихўжаев полвонни хотирлайди: «У талабалик даврида ёқ ҳаммамиздан ўз келбати ва юриш-туриши билан ажралиб турарди. Биз биргалашиб «Пахтакор» ўйингоҳи ва бошқа жойларда уюштириладиган катта курашларга борардик. Унинг манман деган полвонлар билан беллашиши олқишларга сабаб бўларди».

Ўша жароҳат полвонга панд берди. Катта кураш билан мутлақ хайрлашмасада устозлик йўлини танлашга мажбур бўлди. Иқтидорли болаларни кураш ошуфтаси бўлишга чорлай бошлади. У институтни битиргач, 27, кейинроқ 2-ўрта мактабда жисмоний тарбиядан сабоқ берди. Мактаб директори Мирсобит Миртолипов ҳикоя қилади:

— Тўғриси у билан болаликдан биргамиз. Меҳри дарё инсон. Дўстга садоқати чексиз. Ёш авлод тарбияси ва кураш деганда жонини ҳам аямасди. Унинг саъй-ҳаракати билан иккинчи мактабда кураш бўйича Ўрта Осиё ва Ўзбекистон чемпионлари камол топди. Хусусан, Холдор Эргашев, Тўлқин Бўриев, Акмал Азимов, Мирдавлат Бўриев, Мирусмон Мирҳайитов ва бошқалар устоз номини эъзозлайдилар. Полвоннинг йўл-йўриғи билан жисмоний тарбия институтини битиришган.

Хамлет 1971 йилдан кураш бўйича тўғарак ташкил қилиб иқтидорли болаларни саралашга жазм қилди. Меҳнатлари самараси ўлароқ Камар Турсунов, Шокир Шомаликов, Имом Умаров, Усмон Маҳаматов каби ёшлар минтақа чемпиони номига сазовор бўлишди. Кейинчалик Хамлет туман қўмитаси раиси, вилоят кураш федерациясининг раиси лавозимларида фоалият кўрсатди. Курашга бўлган эътибор оммавийликни таъминлаб, моҳир полвонлар сафининг кенгайишига сабаб бўлди. «Бугунгача нимага эришган бўлсам, — деб ҳикоя қилади болалар спорт мактаби директори Қамар Турсунов. — Ҳамлет Йўлдошевнинг йўл-йўриғи, меҳр-оқибати туфайли ниятимга етдим. Курашдаги ютуқларим институтда ўқишларим ҳар қандай меҳрдан ортиқдир. Меҳнатлари бекор кетмаяпти. Ёшларимиз вилоят, республика мусобақаларида ажойиб натижаларга эришиб ишончимизни оқлашмоқда. Ниятим, вилоят терма командасининг бош мураббийси сифатида устоз хотирасига бағишланган мусобақанинг анъанавий бўлиб қолишига эришишдан иборат».

Хамлет Йўлдошев нафақат танти полвон балки ажойиб ота, оилапарвар инсон эди. Оилада 9 фарзанд камол топди. Уларнинг бари ҳаёт йўлини топган, эл-юрт ташвиши билан яшайдиган инсонлар. Полвоннинг кураш йўлида қилган жонбозликлари муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий», «Республика тоифасидаги ҳакам» унвонлари билан тақдирланган. Ўйлаймизки, Кураш жаҳоний мақом олиб турган бугунги кунда полвоннинг умр бўйи қилган ҳаракатлари ҳам ўз қадрини топқусидир. Боиси, ҳеч нарса йўқдан бор бўлмайди. Хамлет Йўлдошев ҳам Курашнинг ана шундай оламшумул эътибор топишига муносиб ҳисса қўшган, деб дадил айтса бўлади.

*Икром ОРТИҚОВ*

## Мусобақа байроғи ҳилпирамоқда

Халқаро Олимпиада қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч Тошкентда бўлган чоғида Марказий Осиё ўйинлари ҳақида фикр билдириб бундай ўзига хос кичик олимпиада анъанага айланиши лозим деган эди. Шу кунларда эса Қирғизистон пойтахтида навбатдаги мусобақанинг байроғи хилпираб, машъаласи ловуллаб турибди. Мухлислар яхши биладиларки, дастлабки мусобақанинг Тошкентда, кейингиси Олмота шаҳрида ўтказилган эди.

Бу галги баҳслар ҳам спортнинг 12 тури бўйича ташкил қилинди. Қариб 200 нафарли спортчидан ташкил топган вакилларимиз спортнинг баскетбол, бокс, волейбол, оғир атлетика, кураш, енгил атлетика, мерганлик, қиличбозлик, велопойга, сузиш ва теннис турлари бўйича муваффақият қозонишга астойдил интилмоқдалар. Ҳозир мусобақа қизғин паллага кирган. Спортчиларимиз ҳисобида эса жами 37 та (8 та олтин, 14 кумуш, 15 бронза) медаллари бор. Бу муваффақиятга мерганларимиздан Дилшод Мухторов билан Михаил Беляев ўзининг кумуш ва бронза медаллари билан ҳисса қўшдилар. Эркин курашчилар учта кумуш, иккита бронза медалларини келтирдилар. Бунда Отабек Пардақулов, Моис Ибодов, Жаҳонгир Муродов, Талгат Илёсов, Дилшод Мансуровлар совринли ўринларни эгаллаб мухлису мутахассисларни мамнун этишди. Асосан ёш боксчилардан таркиб топган терма жамоа ҳам бўш келмаяпти. Хусусан бугунгача бўлиб ўтган бешта, вазн бўйича баҳсларда Шерзод Хусанов, Бекзод Ҳидиров, Жўрабек Набиев, Ғайрат Бешақулов, Асқар Султоновлар бронза медаллари соҳиби бўлишди. Марказий Осиё ўйинларида иштирок этаётган спортчиларимиз қолган баҳсларда ҳам ўзларини кўрсатиб, терма жамоамиз мавқеини мустаҳкамлашга зўр беришмоқда.

**Абонементни тўғри тўлдирганингизни текширинг**

**Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.**
**Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.**
**Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.**

***Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.***

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти партиянинг мамлакат парламентидаги фракцияси аъзоси, Олий Мажлис депутати, Имом ал Бухорий жамғармаси бошқаруви раиси З.И. Мунавваровга волидаи муҳтарамалари

**ҲОСИЯТХОН аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касаба уюшмаси ташкилоти оториноларингология кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Т. Ш.Маматовага умр йўлдоши

**Худойберди МАМАТОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармон жаноблар**

***Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент вилояти бўлими сиз азизларни 1999 йил 29 октябрь куни соат 10.00 да ўтказиладиган навбатдаги***

**Кимошди савдосига таклиф этади:**

**Аукционга**

Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган

1. Навоий жамоа хўжалиги ҳудудидаги 40 та ер майдони, битта ер майдонининг сатҳи — 400 метр квадрат.
Бошланғич баҳоси — 191400 сўм
2. Эшонгузар қўрғони ҳудудидаги 14 та ер майдони, битта ер майдонининг сатҳи — 400 метр квадрат метр.
**Бошланғич баҳоси: 403680 сўм**

***Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 15-уй, 3-қават, 9- ва 10- хоналар.***
***Телефонлар: 132-00-37, 133-28-52, 133-77-18.***
***Факс: 133-49-31.***

**Бош муҳаррир**
**Азим СУЮН**

**Таҳрир ҳайъати**
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**
**ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА**

**МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**

**БЎЛИМЛАР:**
*Сиёсат — 133-20-36*
*Иқтисодиёт — 133-76-04*
*Маънавият — 133-07-20*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16*
*Ахборот — 133-76-04*
*Котибият — 133-21-43*

*Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83*

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**
*Андижонда — 25-16-16;*
*Бухорода — 23-51-40;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-29-44;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 222-70-12;*
*Самарқандда — 35-20-54;*
*Тошкентда — 133-12-56;*
*Урганчда — 226-51-35;*
*Фарғонада — 26-46-84;*
*Қаршида — 4-61-35;*
*Термизда — 3-79-98.*

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.**

Навбатчи муҳаррир *Алишер РЎЗИЕВ*, навбатчи *Юсуф ЖЎРАЕВ.*

*Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ*

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.**
**Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**

**Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида. А—2 форматда. 18.117 нусхада босилди.**
**Ҳажми 2 босма табоқ.**
**«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.**
**Г — 0624**

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*Топширилди — 23.00*
*1 2 3 4 5 6.*

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА